




Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2022 йил сентябрь




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил

Аҳолининг инфляцион кутилмалари


Сентябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича **инфляцион кутилмалари**¹ пасаювчи динамикани сақлаб қолиб, **15,2 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² **11,8 фоизни** ташкил этди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)



Келгуси 12 ойда инфляция кўрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқорироқ бўлишини кутаётган респондентларнинг улуши аввалги ойга нисбатан 1 фоиз бандга қисқарган (2-расм).

2-расм. Инфляцион кутилмаларнинг жорий инфляцияга нисбати (респондентлар улуши, фоизда)




¹ **Инфляцион кутилмалар** – инфляцион кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгилаган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

² Инфляцион кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.

Сентябрь ойида аҳолининг кўпчилик қисми келгуси 12 ойда инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишмоқда (3-расм).

3-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Респондентлар томонидан келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **импорт товарлари ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (42 фоиз)**, **валюта курсининг қадрсизланиши (42 фоиз)** ҳамда **нархларнинг сунъий оширилиши (31 фоиз)** таъкидланган (4-расм).

4-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)


Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь
Импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28
Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27
Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18
Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юқорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11

Шу билан бирга, **турар жой ҳамда ижара тўловларининг ошишини** кўрсатган аҳоли вакилларининг улуши ўтган ойга нисбатан **юқорилаган (15 фоиздан 18 фоизгача)**.

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Жорий йилнинг сентябрь оyi якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан 0,3 фоиз бандга камайиб, **13,8 фоизгача** пасайди, медиана қиймати эса **11,3 фоизни** атрофида шаклланди (5-расм).

5-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)




Келгуси 12 ойда инфляция кўрсаткичи жорий даражада ёки ундан юқориқ бўлишини кутаётган респондентларнинг улуши ўтган ойга нисбатан 2 фоизга пасайиб, 45 фоизни ташкил этди (6-расм). Ушбу ойда тадбиркорларнинг аксарият қисми келгуси 12 ойда инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишмоқда. Шунингдек, сентябрь ойида бир йилдан сўнг инфляция **6-8 фоиз** доирасида бўлишини кутаётган бизнес вакилларининг улуши ортиб бормоқда (7-расм).

6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг жорий инфляцияга нисбати (респондентларнинг улуши, фоизда)



7-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлар томонидан кейинги 12 ойда нархлар ошишига ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (35 фоиз) ҳамда иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши (23 фоиз) каби омиллар таъсир этиши мумкинлиги таъкидланди (8-расм).

8-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)

Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь
Валюта курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39
Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23
Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21
Иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14
Айрим товарларни импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларнинг мавжудлиги	12	11	12	17	16	18	19	17	14
Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11

Шунингдек, келгусида нархлар ошишига хориждан хомашё етказиб беришда узилишлар юзага келиши ҳамда импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларнинг сақланиб қолинишини кутаётган тадбиркорларнинг улуши пасайишда давом этмоқда.